

ТАСДИҚЛАЙМАН

Вилоят рухий асаб касалликлари  
шифохонаси бош врач



Г Узоков

« \_\_\_\_\_ 2022 йил

Таъминотчи ташкилотни танлаб олиш учун

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

Карши ш 2022 йил

## **Танлов ҳужжатларининг мазмуни:**

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

### **Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

#### **Танлов предмети ва тахминий қиймати**

1. Вилоят рухий асаб касалликлари шифохонаси булимларида скамийка ва мебель жихозларини харид қилишни амалга ошириш.

Жами бошланғич суммаси ҚҚС билан бирга 58 950 000 (Эллик саккиз миллион тукқиз юз эллик минг ) сўм. Танловда ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ҳамда кўриб чиқилмайди.

1.1 Таъминотчи учун қўйиладиган техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинади.

1.2 Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан Таъминотчи билан шартнома тузилади.

1.3 Таъмирлаш ишларини бошлаш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 60 банк кунигача амал қилади.

### **2.Танлов иштирокчилари**

2.1 Вилоят рухий асаб касалликлари шифохонаси (бундан куйин -Буюртмачи деб аталади)– танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

Буюртмачи манзили Қарши ш И Каримов 85 а уй

Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3.Танлов иштирокчилари**

3.1 Танловга иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади.

- скамийка ва мебель жихозлари етказиб бериш бўйича омборхона маълумотномаси.
- Илгари бажарилган ишлар бўйича маълумотнома . (Ўз кучи билан)
- Тажрибага эга бўлган бой барқарор ташкилотлар иштирок этадилар.
- Ягона реестрга киритилмаган қарздорлиги йўқ ташкилотлар иштирок этадилар.

1-иловага мувофиқ жамланма жадвал, скамийка ва мебель жихозларининг кайдномаси ҳамда асосий нархлар жадвали.

2-иловага мувофиқ танлов предмети қийматининг камида 50% миқдордаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ҳақидаги банк маълумотномаси ёки банк кафиллиги.

-Қайта ташкил этиш, тугатиш, ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулки мусодарага олинмаган ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарам бўлмаганларга. Икки ёки ундан ортиқ таъминотчи ташкилотлари биргаликда иштирок этишлари рухсат этилмайди. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома. Банкдан муддати ўтган кредит қарздорлиги ҳамда бошқа қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома. Охириги 3 йилги тасдиқланган таъминот ишларининг қабул қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар.

Изоҳ: Харид иштирокчисининг чегирмаси бошланғич нархга нисбатан ўн фоиздан кўп бўлган тақдирда, ушбу иштирокчи харид жараёнидан четлатилади.

#### **4. Танловда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш.**

4.1 Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда порталга электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3 Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник қисм. Буюртмачи томонидан қўйиладиган вазифалар, ишлар кўрсатилиши керак

Нархлар қисми. Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида хизматларни бажариш муддатлари, тулов талаблари ва якуний туловлар ҳамда бошқа кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак. Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифни электрон тарзда [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) махсус электрон савдо порталида жойлаши лозим.

4.4 Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб қилинади: Техник ва нархлар бўйича таклифлар.

4.5 Танлов иштирокчиси фақат битта таклиф бериши мумкин. Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ҳаққонийлигига ўзи жавобгар бўлади. Таклифларни бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

#### **5. Томонларнинг жавобгарлиги**

5.1 Давлат харидларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2 Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдирлар.







5.3 Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилганидан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмаси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузадилар.

## 6. Бошқа шартлар

6.1 Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугаган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Танловни ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.

6.2 Танлов иштирокчиси Давлат буюртмачисига танлов бўйича ўзини қизиқтирган саволлари бўйича танлов тугашидан камида икки кун олдин муурожаат қилишга ҳақли.

6.3 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

  
\_\_\_\_\_  
  
\_\_\_\_\_  
  
\_\_\_\_\_  
  
\_\_\_\_\_  
  
\_\_\_\_\_  
  
\_\_\_\_\_

Ғ.Узоқов

М.Худойқулова

Б.Муродов

Д.Поёнова

И. Примов

Ғ. Раимова